

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил май ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, сайёр суд мажлисида, Шайхонтоҳур тумани, “Илғор” м.ф.й. биносида, судья Х.Очиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Умарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Очилов, судланувчи Ю.Собиржонов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Shayhontohur-advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати У.Якубоваларнинг иштирокида,

Собиржонов Юсуфжон Ғайрат ўғли (Sobirjonov Yusufojon G'ayrat o'g'li) - 1996 йил 02 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, дурадгор-уста, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “С.Дарвоза” м.ф.й., “Жиззах-тор” кўчаси, 4-уйда доимий рўйхатда туриб яшовчи, жиноят иши доирасида “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айлов хулосаси нусхасини 20.05.2024 йилда олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1003-2402/336-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,

а н и қ л а д и :

Судланувчи Ю.Собиржонов 2024 йил 27 март куни соат 18:00 ларда, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Оқилон” м.ф.й., “Нурафшон” кўчасида жойлашган “Аууб” номли умумий овқатланиш шаҳобчаси ёнида турган вақтида ўша ҳудудда хизмат вазифаларини олиб бораётган ИИО ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли, ИИО ходимлари томонидан у Шайхонтоҳур тумани ИИО биносига олиб келиниб, шахсига аниқлик киритилиб, холислар иштирокида унинг ён атрофи кўздан кечирилган вақтда, унинг эғнида бўлган қора рангли спорт кийими (трикоси)нинг ўнг ён чўнтагидан бир дона оқ қоғозга ўралган ҳолатда жигар рангли, ўткир ҳидли ва мохоркасимон умумий вазни 0,3 граммга тенг бўлган “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ю.Собиржонов айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, қуйидагича, яъни тахминан 2024 йил 13 март куни ўзининг яшаш уйида дам олиб ётган вақтида, ўзига тегишли бўлган телефон аппаратида мавжуд бўлган интернетнинг “инстаграм” ижтимоий тармоғидаги рекламалар



орасидан “Гашиш” ва бошқа гиёҳвандлик моддалар сотиладиган гуруҳ ҳаволаси турганлигини кўрганлиги, мазкур гуруҳга қўшилиш учун “ўтиш (перейти)” тугмасига босганлиги ва “телеграм” ижтимоий тармоғидаги гиёҳвандлик моддалари сотиладиган саҳифа (бот)га ўтганлиги, унга гиёҳвандлик моддалари рўйхати юборилганлиги, ўзининг истеъмоли учун гиёҳвандлик моддасини сотиб олиш мақсадида, 0.2 грамм бўлган “гашиш” номли гиёҳвандлик воситасига буюртма берганлиги, мазкур модда учун 125.000 сўм миқдордаги тўловни амалга ошириши кераклиги айтилганлиги, у тўловни яшаш манзилига яқин жойда жойлашган банкомат орқали амалга оширганлиги, натижада унга гиёҳвандлик воситаси қаерда турганлиги юзасидан унинг саҳифасига манзил (локация) юборилганлиги, у манзил бўйича Шайхонтоҳур тумани, “Ганга” майдони яқинида йўл четидаги майсалар олдига келганлиги ва майсалар орасига яширилган яшил рангли изолентага ўралган ҳолатда турган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини олиб, уйига қайтганлиги, уни чекиш учун сигарета қолдиғи билан аралаштириб, тайёр ҳолатга келтирганлиги, мазкур модданинг бир қисмини баклашкага қўйиб, истеъмол қилганлиги, қолган қисмини эгнида бўлган шимининг чўнтагига солиб қўйганлиги, шундан сўнг, 2024 йил 27 март куни, унга олдиндан таниш бўлган С.Рустамхўжаев билан кўнғироқлашиб суҳбатлашган вақтида, у Россия Федерациясидан Тошкентга келганлиги айтиб, кўришишни сўраганлиги, у С.Рустамхўжаев билан кўриши мақсадида, Шайхонтоҳур тумани, “Нурафшон” кўчасида жойлашган кафе (шашликхона)га борганлиги, ўша ерда у танишлари С.Рустамхўжаев, А.Каримов ва И.Аброрхоновлар билан кафега киришаётган вақтида, ўша ҳудудда хизмат вазифаларини олиб бораётган ИИО ходимлари келиб, ҳозирда “тиғ” тадбирлари ўтказилаётганлигини айтиб, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этишларини сўрашганлиги, улар ёнларида шахсларини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқлигини айтишганлиги, шунда ИИО ходимлари уларнинг шахсига аниқлик киритиш ва улар билан профилактик суҳбат ўтказиш мақсадида, уларни ИИО биносига таклиф этишганлиги, ИИО биносига олиб боришиб, улардан ёнларида бирор-бир тақиқланган нарса бўлса ўз хоҳишлари билан тақдим этишларини сўрашганлиги, у эгнида бўлган шимининг чўнтагида гиёҳвандлик моддаси борлигини айтиб, “гашиш” моддасини олиб, ИИО ходимларига ўз ихтиёри билан тақдим қилганлиги, шундан сўнг, ҳолислар иштирокида у, С.Рустамхўжаев, А.Каримов ва И.Аброрхоновларнинг ёни кўздан кечирилганида бошқа ҳеч қандай тақиқланган нарсалар аниқланмаганлиги, ИИО ходимлари томонидан у тақдим этган гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда расмийлаштириб олинганлиги, ИИО ходимлари ушбу гиёҳвандлик моддаси кимга тегишли эканлигини сўрашган вақтида, у ўзига тегишли эканлиги ҳамда ёнида гиёҳвандлик моддаси борлигидан С.Рустамхўжаев, А.Каримов ва



И.Аброрхоновларнинг хабари бўлмаганлигини баён этиб, мазкур моддани ўзининг истеъмоли учун “телеграм” тармоғи орқали сотиб олганлигини билдириб, тушунтириш хати ёзиб берганлиги, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонда эканлиги, бошқа бундай ҳолатлар такрорланмаслиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, ҳозирда дурадгор бўлиб ишлаётганлиги, шунингдек моддий ва оилавий аҳволи оғир эканлигини айтиб, суддан унга нисбатан енгил жазо беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А.Каримов дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини билдириб, қуйидагича, яъни у судланувчи билан олдиндан таниш ва дўст эканлиги, 2024 йил 27 март куни яна бир таниши, С.Рустамхўжаев Россия Федерациясидан келганлиги сабабли, кўришиш мақсадида Шайхонтохур тумани, “Нурафшон” кўчасида жойлашган кафе (шашликхона)га борганлиги, ўша ерда у, Ю.Собиржонов, С.Рустамхўжаев ва И.Аброрхоновлар билан кўришиб, кафега киришаётган вақтларида, ўша ҳудудда хизмат вазифаларини олиб бораётган ИИО ходимлари келиб, уларга ҳозирда “тиғ” тадбирлари ўтказилаётганлигини айтиб, улардан шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этишларини сўрашганлиги, улар ИИО ходимларига ёнларида мазкур турдаги ҳужжатлар йўқлигини айтишганлиги, ИИО ходимлари уларнинг шахсига аниқлик киритиш ва улар билан профилактик суҳбат ўтказиш мақсадида, уларни ИИО биносига таклиф қилишганлиги, ИИО биносига боришгач ходимлар улардан агарда, ёнларида тақиқланган нимадир бўлса, ихтиёрий равишда тақдим этишларини айтишганлиги, шу вақтда судланувчи Ю.Собиржоновнинг эғнида бўлган шимининг чўнтагидан ўралган ҳолатдаги бир қоғоз бўлагини чиқариб ходимларга берганлиги ва мазкур модда “гашиш” моддаси эканлигини айтганлиги, ходимлар мазкур моддани тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлиги, ИИО ходимлари ушбу гиёҳвандлик моддаси кимга тегишли эканлигини сўрашган вақтида Ю.Собиржонов ўзига тегишли эканлиги айтганлиги, у ҳамда С.Рустамхўжаев ва И.Аброрхоновларнинг мазкур ҳолатдан хабари бўлмагалигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган И.Аброрхонов гувоҳ А.Каримов берган кўрсатувларига айнан ўхшаш кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.



Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи Ю.Собиржоновнинг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, ИИО ходимларининг билдиргилари, тушунтириш хатлари, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни шахсий тинтув қилиш ва ашёвий далилни олиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, экспертиза хулосалари, наркология диспансерининг далолатномаси, ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 27 март кундаги 1329-сонли экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Ю.Собиржоновдан олинган жигар рангли ўсимлик моддалари (табак) ва майдаланган ҳолдаги мумсимон моддаларнинг таркибида фаол гиёҳванд модда “тетрагидроканнибол” мавжуд бўлиб, бу модда “Гашиш” деб номланиши, “Гашиш”нинг умумий оғирлиги 0,3 граммга тенг эканлиги, тадқиқот жараёнида 0,02 грамм миқдордаги қисми сарфланганлиги, аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кундаги 878-сонли қарорининг 28-тартиб рақамидаги 1-қаторига яъни Гашиш (наша, смола, каннабис)* деб ёзилган қаторига кириши ҳамда мазкур модданинг миқдори ҳар-қандай кўшимчалардан қатъий назар умумий вазнидан келиб чиқиб ҳисобланиши ҳамда мазкур модданинг озгинадан кўп миқдори – 0,2-2,0 граммгача бўлган миқдорни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Суд, судланувчи Ю.Собиржоновнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан, “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш” билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи Ю.Собиржоновга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган



жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини атрофлича ўрганиб, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонда эканлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатлари учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 30.04.2024 йилдаги 1081-сонли далолатномасига кўра, Ю.Собиржонов гиёҳвандликдан тиббий йўсиндаги мажбурий даволашга муҳтож эмаслиги қайд этилганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда Ю.Собиржоновдан олинган ҳамда сақлаш учун ДХХнинг МСБга топширилган умумий вазни 0,28 граммни ташкил қилувчи “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни ҳамда бир дона DVD дискни иш ҳужжатлари билан биргаликда сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд ҳукм қилади,

ҳукм қилади:

Собиржонов Юсуфжон Ғайрат ўғли (Sobirjonov Yusufjon G'ayrat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ю.Собиржоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда БИР йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати Ю.Собиржонов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.



Ю.Собиржоновга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ю.Собиржоновдан олинган ҳамда сақлаш учун ДХХнинг МСБга топширилган умумий вазни 0,28 граммни ташкил қилувчи “Гашиш” гиёҳвандлик моддаси суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг, тегишли тартибда йўқ қилинсин ҳамда бир дона DVD диск иш ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, шунингдек ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг агарда ушбу ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи
Нусха аслига тўғри:

Х.Очилов

